иными жизненно важными ресурсами, которые могут обеспечить как экономическое развитие страны, так и социальное благополучие человека. Цифровое неравенство усиливает традиционное неравенство и, таким образом, происходит расширение изначальных характеристик социального неравенства. Исследования в области цифрового неравенства сталкиваются с некоторыми очевидными проблемами и вызовами, которые еще только предстоит осмысливать.

Литература:

1. DiMaggio P. From the “Digital Divide” to “Digital Inequality”: Studying Internet Use as Penetration Increases // Working Papers, Princeton University, School of Public and International Affairs, Center for Arts and Cultural Policy Studies. — Princeton, 2001. — No. 47.

2. Van Dijk J. The Digital Divide. — Cambridge: Polity Press, 2020.

3. Van Deursen A. The Third-Level Digital Divide: Who Benefits Most from Being Online? // Communication and Information Technologies Annual: Studies in Media and Communications. — Bingley: Emerald Group Publishing Limited, 2015. — Vol. 10. — P. 29–52.

4. Ragnedda M. The Digital Divide: The Internet and Social Inequality in International Perspective / M. Ragnedda, G. W. Muschert (eds.). — London; New York: Routledge, 2013.

5. Ragnedda M. Conceptualizing Digital Capital // Telematics and Informatics. — 2018. — Vol. 35, No. 8. — P. 2366–2375.

6. Добринская Д. Е. Возможно ли цифровое равенство? (о книге Я. ван Дейка «Цифровой разрыв») // Социологические исследования. 2020. № 10.

7. Гладкова А. А. Модель трех уровней цифрового неравенства: современные возможности и ограничения (на примере исследования Республики Татарстан) // Вестник Московского университета. Серия 10: Журналистика. — 2019. — № 4. — С. 41–72.

ҲУДУДИЙ ДАРАЖАДА БЮДЖЕТ ОЧИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ЁНДАШУВЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мирзаева Дилдора Иномовна
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, фискал таҳлиллар институти, бош мутахассис

Аннотация. Тезисда ҳудудий даражада бюджет очиқлигини баҳолашнинг халқаро ёндашувлари таҳлил қилиниб, ахборотнинг қамрови, деталлаштирилиш чуқурлиги ва ундан фойдаланиш имконияти асосий баҳолаш йўналишлари сифатида ажратилади. Хорижий тажриба ва Ўзбекистон

амалиёти асосида маҳаллий бюджетлар очиқлигини мазкур мезонлар бўйича баҳолаш имкониятлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: бюджет очиқлиги, фискал шаффофлик, маҳаллий бюджет, бюджет маълумотлари, очиқ маълумотлар.

Бюджет очиқлиги бўйича халқаро стандартлар ва баҳолаш воситалари дастлаб марказий ҳукумат молиясига нисбатан шаклланган. Шу билан бирга ҳудудий ва маҳаллий даражада бюджет маълумотларининг очиқлиги муҳим аҳамият касб этади, чунки аҳоли кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатадиган жамоат хизматларининг салмоқли қисми айнан шу даражада молиялаштирилади. Мактабгача ва умумий таълим, ободонлаштириш, коммунал хизматлар, маҳаллий инфратузилма каби йўналишларда бюджет маблағларининг ҳажми ва тақсимоти аҳоли эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ. Халқаро амалиётда ҳам ҳудудий (субмиллий) ва маҳаллий бюджетлар очиқлигини баҳолаш бўйича методик ёндашувлар шаклланган.

Ҳудудий даражадаги баҳолашнинг ўзига хослиги шундаки, умумий халқаро тамойиллар мамлакатнинг бюджет қонунчилиги, бюджетлараро муносабатлари ва маҳаллий органларнинг ваколатларига мослаштирилади. Масалан, Россияда ҳудудий бюджетлар очиқлигини баҳолаш учун алоҳида методология ишлаб чиқилган бўлиб, у федерал қонунчиликда белгиланган шартларни ҳисобга олган ҳолда, ахборотнинг сифати, ўз вақтида тақдим этилиши ва амалда фойдаланиш имкониятини ҳам баҳолайди.

Бошқа мамлакатларда ҳам турли ёндашувлар ҳам қўлланилади. Хорватияда маҳаллий бюджетлар шаффофлиги асосан бешта асосий ҳужжат, жумладан, бюджет таклифи, тасдиқланган бюджет, фуқаролар учун бюджет, ярим йиллик шарҳ ва йиллик ҳисоботнинг эълон қилинганлиги орқали баҳоланади. Қозоғистонда эса маҳаллий бюджетлар очиқлигини баҳолаш миллий бюджет тизими ва субмиллий мониторинг хусусиятларига мослаштирилган ҳолда амалга оширилади.[409]

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ), Жаҳон банки ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИҲТТ) ёндашувлари ва воситалари ҳудудий бюджет очиқлигини баҳолашда ахборотнинг турли жиҳатларини ҳисобга олиш имконини беради. ХВЖнинг Фискал шаффофлик кодексида[410] бюджет ҳисоботларида давлат сектори институтлари, даромад ва харажатлар, молиялаштириш операциялари, активлар ва мажбуриятларнинг тўлиқ қамраб олинишига алоҳида эътибор қаратилган. Жаҳон банкининг BOOST тизимида[411] эса мамлакатнинг бюджет ва молиявий ахборот тизимларида мавжуд маълумотлар имкон қадар батафсил даражада тизимлаштирилиб, давлат бошқаруви даражаси, маъмурий ва ҳудудий бирликлар, иқтисодий ва функционал таснif, бюджет дастурлари ҳамда молиялаштириш манбалари кесимида тақдим этилади.

[409] https://www.finjournal-nifi.ru/images/FILES/Journal/Archive/2022/6/statii/03_6_2022_v14.pdf
[410] https://www.imf.org/external/np/fad/trans/Code2019.pdf
[411] https://www.worldbank.org/en/programs/boost-portal/boost-data-lab

ИҲТТ ёндашувида[412] бюджет очиқлиги ахборотни расман жойлаштириш билан чекланмай, унинг ўз вақтида тақдим этилиши, тушунарли ва таққосланадиган бўлиши, шунингдек қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун қулай шаклда тақдим этилиши билан ҳам боғланади. Амалиётда бунга Жанубий Африка Республикасининг Municipal Money портали[413] мисол бўлиб, унда муниципал молиявий маълумотлар аҳоли учун соддалаштирилган шаклда ҳамда кейинги таҳлил учун машинада қайта ишланадиган форматларда тақдим этилади.

Мазкур ёндашувларни умумлаштириб, бюджет ахбороти очиқлигини қамров, деталлаштириш чуқурлиги ва ахборотдан фойдаланиш имконияти бўйича баҳолаш мумкин.

1-жадвал

Халқаро ёндашувлар асосида бюджет ахбороти очиқлигини баҳолаш мезонлари

Йўналиш	**Баҳолаш мазмуни**	**Маҳаллий даража учун аҳамияти**
Қамров	Очиқ ахборотда давлат молияси элементларининг қамраб олиниш даражаси	бюджет, трансфертлар, молиявий оқимлар, активлар ва мажбуриятлар, муассасалар ҳамда давлат секторининг бошқа элементлари
Чуқурлик	Очиқланаётган маълумотларнинг деталлаштирилиш даражаси	даромадлар ва харажатларни функциялар, дастурлар, маблағлар тақсимловчилари, ҳудудлар ва хизматлар кесимида деталлаштириш
Фойдаланиш имконияти	Маълумотларни топиш, таққослаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконияти	мунтазам эълон қилиш, қулай формат, даврлар ва ҳудудлар бўйича таққослаш, машинада қайта ишлаш имконияти

Ўзбекистонда бюджет очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари Бюджет кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Бюджет кодексининг 17-моддасида[414] очиқлик бюджет тизимининг асосий принципларидан бири сифатида мустаҳкамланган. Шунингдек, амалдаги тартибларга мувофиқ давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликлар бюджет маблағлари ва уларнинг ижроси, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтларда эълон қилиши назарда тутилган.

Бюджет жараёни очиқлиги давлат органлари фаолияти очиқлигини баҳолаш тизимида ҳам алоҳида йўналиш сифатида ажратилган. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг “Очиқлик индекси – 2025” методологиясида бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларни расмий веб-сайтларда жойлаштириш мустақил индикатор сифатида 6 баллик шкалада баҳоланган. 2025 йил якунларига кўра, мазкур

[412] https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2017/10/oecd-budget-transparency-toolkit_g1g82a3c/9789264282070-en.pdf
[413] https://municipalmoney.gov.za/
[414] https://lex.uz/docs/2304138

индикатор бўйича барча баҳоланган ташкилотларнинг ўртача кўрсаткичи 4,11 баллни ташкил этган. [415]

Хусусан, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ушбу индикатор бўйича 5,75 балл олган. Мазкур вилоят мисолида эълон қилинаётган бюджет маълумотларининг мазмуни ва таҳлилий имкониятларини кўриб чиқиш мумкин. 2025 йилда бюджет ва унга боғлиқ молиявий ахборотнинг бир қатор йўналишлари, жумладан капитал қўйилмалар, давлат харидлари, асосий воситалар хариди ва бошқа маълумотлар чораклар кесимида эълон қилинган.[416]

Маълумотларнинг батафсиллиги эса уларни харажат турлари, лойиҳалар, харидлар, ташкилотлар ва бошқа таҳлил бирликлари кесимида кўриш имконияти билан белгиланади. Бироқ маълумотлар алоҳида тўпламларда тақдим этилгани сабабли уларни вазифа, дастур, ҳудуд, хизмат ва эришилган натижалар кесимида ягона боғлиқликда кузатиш имконияти чекланган.

Шундай қилиб, халқаро ёндашувлар бюджет ахборотининг қамрови, деталлаштирилиши ва фойдаланишга яроқлилиги бўйича умумий мезонларни белгилаш имконини беради. Ўзбекистонда ушбу йўналишлар бюджет ахборотини эълон қилиш бўйича ҳуқуқий талаблар ва очиқликни баҳолаш механизмларида ўз ифодасини топган.

Маҳаллий даражада эса асосий масала мазкур талабларнинг амалда бажарилиши ва очиқ маълумотлар асосида молиявий ресурсларнинг шаклланиши, тақсимланиши, молиялаштирилаётган тадбирлар ҳамда эришилган натижалар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш имкониятини таъминлашдан иборат.

ФОРМИРОВАНИЕ КОРПОРАТИВНОЙ КУЛЬТУРЫ В ОРГАНИЗАЦИЯХ И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ УПРАВЛЕНИЯ

Нормуродова Севинч Анвар кизи
магистр 1 курса кафедра
«Инновационный менеджмент»
Ташкентского государственного
экономического университета

В современных условиях развития организаций возрастает значение человеческого фактора и качества управления персоналом. Конкурентоспособность организации определяется не только материальными ресурсами, технологиями и финансовыми возможностями, но и способностью объединять работников вокруг общих целей, обеспечивать эффективное взаимодействие и формировать благоприятную внутреннюю среду. В связи с

[415] https://index.anticorruption.uz/rating/77
[416] https://gov.uz/uz/qashqadaryo/pages/byudjet-ochiqligi